



# ТЕМИРҲО‘ЛСНИ

Temir yo‘llar mamlakatimiz iqtisodiyotining qon tomiridir.

Gazeta 1933-yildan chiqa boshlagan



О‘ЗБЕКИСТОН ТЕМИРҲО‘ЛЧИЛАРИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2026-yil • 23-aprel • payshanba • № 16 (6596)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 апрель куни шу кунларда Тошкент шаҳрида ўтаётган “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” халқаро саноат кўргазмасида Россия делегациясига бошчилик қилаётган Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг биринчи ўринбосари Денис Мантуровни қабул қилди.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Учрашувда Татаристон, Бошқирдистон Республикалари, Ленинград, Киров, Иркутск ва Омск вилоятлари, шунингдек, Россиянинг бир қатор етакчи компаниялари раҳбарлари ҳам иштирок этди.

Суҳбат аввалида юқори мартабали меҳмон мамлакатимиз етакчисига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Ўзбекистон Президенти 35 мамлакатдан 10 мингдан зиёд бизнес вакиллари иштирокида олтинчи “ИННОПРОМ” кўргазмаси муваффақиятли ташкил этилгани ва ўтказилаётганини олқишлади.

Олий даражада, энг аввало, савдо-иқтисодий соҳада эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Савдо ҳажми барқарор ўсиб бораётгани, саноат, тинч атом, энергетика, транспорт, металлургия, кимё ва бошқа тармоқлардаги лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Товар айирбошлаш суръатини сақлаб қолиш ва устувор тармоқларда, шу жумладан, саноат зоналари доирасида кооперация лойиҳаларини жаддаллаштириш бўйича ўзаро мувофиқлаштирилган чоратадбирларни қабул қилиш, ҳудудлар ва тадбиркорлар даражасидаги фаол алоқаларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, энергия самарадорлиги, сув хўжалиги, киберхавфсизлик ва сунъий интеллект каби истиқболли йўналишлардаги режалар кўллаб-қувватланди.

Техника йўналишидаги қўшма олийгоҳлар негизда иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари учун муҳандис кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, учрашувда Россия ҳудудлари ва компаниялари раҳбарлари мамлакатимиз етакчисига турли тармоқларда янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича аниқ режаларини тақдирот қилди.

Prezident.uz

қулайлик

## МАШИНИСТЛАР ДАМ ОЛИШ УЙИ БУНЁД ЭТИЛДИ



Машинист ҳамда машинист ёрдамчилари учун мўлжалланган янги замонавий дам олиш ўйининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ҳамда “Темирйўлинфратузилма” акциядорлик жамияти раҳбарияти, фахрий темирйўлчилар, устоз-мураббийлар ҳамда меҳмонлар иштирок этиб, ушбу маскан локомотив бригадалари учун яратилаётган шароитларнинг яна бир муҳим босқичи эканини алоҳида таъкидладилар.

Маълумки, локомотив бригадаларининг хавфсиз ва самарали фаолият олиб бориши, аввало, уларнинг меҳнат ва дам олиш режимига қатъий риоя этилишига боғлиқ. Янги дам олиш ўйи айнан шу мақсадда – машинист ва машинист ёрдамчиларнинг қатновдан сўнг тўлиқ ҳордиқ чиқариши, физиологик тикланиши ҳамда кейинги рейсларга тайёрларлик кўриши учун барча зарур шароитлар билан таъминланди.

Мазкур масканда локомотив бригадалари учун қулай ётоқ хоналари, дам олиш ҳудудлари, маиший хизмат кўрсатиш хоналари, санитария-гигиена шароитлари, шунингдек, диспетчерлик ва навбатчилик жараёнларига яқин жойлашуви ҳам инobatга олинган. Бу эса бригадалар алмашинуви, техник кўриқдан ўтиш ҳамда локомотивларни қабул қилиш-топшириш жараёнларини янада самарали ташкил этишга хизмат қилади.



## “НАВОИЙ – БУХОРО” УЧАСТКАСИДА ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛГАН ИККИНЧИ ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ ЯКУНЛАНДИ



“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН “НАВОИЙ – БУХОРО” УЧАСТКАСИДА 92,12 КИЛОМЕТРЛИК ЯНГИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛГАН ЮҚОРИ ТЕЗЛИҚДА ҲАРАКАТЛАНДИГАН ПОЕЗДЛАРГА МОСЛАШТИРИЛГАН ИККИНЧИ ТЕМИР ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ ЛОЙИҲАСИ ЯКУНИГА ЕТКАЗИЛДИ.

“Навоий – Бухоро” темир йўл участкасида жами 2 минг 449 метр куб тупроқ кўтарма ишлари бажарилди, 53 та сунъий иншоот-

нинг қурилиши тугатилди. Участка бўйлаб 97,2 километр темир йўл излари ётқизилди. 1 та темир йўл ўтказгич, 13 та темир-бетон кўприк



қуриб битказилди. Темир йўл атрофини 84 километргача масофада сим тўсиқлар билан ўраш ишлари амалга оширилган. Контакт сим тармоғи учун жами 2 минг 37 та устун монтаж қилиниб, уларга 2 минг 128 та консоль ўрнатилди. 117 километр НТ ПБСМ-95 симлари тарқатилди.

Таъкидлаш лозимки, Навоий – Бухоро йўлининг иккинчи қурилиши бизга куйидаги афзалликларни беради. Авваллари “Навоий – Бухоро” участкасининг биринчи йўлида ҳар куни 21 та йўловчи поезди қатнаганлиги сабабли юк поездлари тўхтаб, йўловчи поездларининг жўнашини кутишига сабаб бўлган. Натижада ушбу йўналишда юк ташини жараёнини ҳам секинлаштиради эди. Янги участка қурилгач, эски йўл юк поездлари учун, янги йўлдан эса юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар учун фойдаланилади. Юқори тезликда ҳаракатланувчи замонавий поездлар “Навоий – Бухоро” участкасидаги 3 та станция оралиғида соатига 200

километр тезликда ўтади. Ушбу йўналишнинг қолган ҳудудларида эса тезлик соатига 250 километрни ташкил қилади. Мазкур линиянинг бунёд этилиши йўловчи поездлари сони ва тезлигини сезиларли оширади, биринчи йўлда эса юк ташини тезлаштиради.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, узунлиги 92,12 километр бўлган янги йўлнинг фойдаланишга топширилиши ва унда юк поездлари юрмаслиги натижасида ушбу йўналишнинг узоқ муддатга сифатли ва мустаҳкам бўлишини таъминлайди. Авваллари йўловчи поездлари Навоийдан Бухорогача 45 дақиқада борган бўлса, ҳозирда янги қурилган йўналишда 25-27 дақиқада етиб бориш имкони мавжуд. Бу эса йўловчиларнинг яна 15 дақиқа вақти тежалишига эришилади.

Қолаверса, “Шарқ” ва бошқа йўналишдаги поездларимиз ҳам ушбу участкада юқори тезликда ҳаракатланади. Бундан ташқари, мазкур маршрутда қия бурилиш йўналишлари жуда кам. Бу ҳам тезликни юқори ушлаб туришга хизмат қилади.

Ушбу йирик лойиҳа қурилиши “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти томонидан молиялаштирилиб, “Боштранслайх” акциядорлик жамияти бош лойиҳаси асосида амалга оширилди. Мазкур йўналишда поездлар соатига 200-250 километргача тезликда ҳаракатланади. Йўналишнинг янги участкаси Тошкент – Бухоро, Тошкент – Хива ва Тошкент – Қўнғирот йўналишларида қатновчи тезюрар ҳамда юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар учун янада қулайлик яратди.

Русам ҲАЙДАРОВ

ТАДБИР

ЖАРАЁН

# КОНФЕРЕНЦИЯ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ РИВОЖИГА ДОИР МУҲИМ МАСАЛАЛАРНИНГ ЕЧИМИГА ҲИССА ҚЎШАДИ



Тошкент давлат транспорт университетида “Темир йўл ҳаракатланувчи таркиби: муаммолар, ечимлар, истиқболлар” мавзусидаги халқаро илмий-техник конференция бўлиб ўтмоқда.

Ушбу конференция транспорт тизimini модернизация қилиш, темир йўл инфратузилмасининг техник базасини ривожлантириш ҳамда юқори малакали мутахассислар тайёрлашга оид долзарб масалаларни муҳокама этиш учун муҳим илмий майдон вазифасини ўтади.



Конференциянинг асосий мақсади – ҳаракатланувчи таркибни лойиҳалаш, таъмирлаш ва модернизация қилишдаги муаммоларни чуқур таҳлил қилиш, илғор ечимларни ишлаб чиқиш, темир йўлларда хавфсизлик ва самардорликни ошириш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашдир.

Тадбир доирасида қуйидаги йўналишлар бўйича фикр алмашилди:

- ҳаракатланувчи таркибни лойиҳалашда замонавий инновациялар;
- локомотив ва вагон ҳўжалигини эксплуатация қилиш ва таъмирлаш тизимлари;
- ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда интеллектуал ечимлар;
- энергия самардорлиги ва экологик барқарорлик;
- халқаро стандартларни жорий этиш ва техник тартибга солиш.

Конференция давомида “Темирйўл-инфратузилма” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси С.Норқабилов сўзга чиқиб, жамият тизимида олиб борилаётган трансформация жараёнлари ҳамда темир йўл соҳасида амалга оширилаётган йирик лойиҳалар ҳақида батафсил тўхталди.

Конференцияда маҳаллий мутахассислар билан бир қаторда хорижий давлатларнинг етакчи университетлари, илмий-тадқиқот марказлари, ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари ҳамда соҳа мутахассислари иштирок этмоқда.

Тадбир 23 апрелга қадар давом этади ва халқаро тажриба алмашинуви, темир йўл транспорти ривожига доир муҳим масалаларнинг ечимига ҳисса қўшади.

“Темирйўлкарго” акциядорлик жамияти юк ташиш самардорлигини ошириш ва мижозларга қўлайлик яратиш мақсадида янги ечимларни амалиётга жорий этмоқда.

## ЛОГИСТИКАДА ИННОВАЦИЯ: ЦЕМЕНТ ЭНДИ “BIG BAG”ЛАРДА ТАШИЛМОҚДА

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиб бораётгани сари юк вагонларига бўлган талаб ҳам сезиларли даражада ортмоқда. Мижозлар эҳтиёжини ўз вақтида қондириш ва логистика занжиридаги узилтишларнинг олдини олиш мақсадида “Темирйўлкарго” акциядорлик жамияти томонидан тизимли мониторинг йўлга қўйилган. Хусусан, вагонларнинг манзилга етиб бориши ва уларни бўшатиш жараёнлари доимий назоратга олинган.

Куни кеча “Темирйўлкарго” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари О.Жаббаров ҳамда Тошкент вилояти филиали бошлиғи Т.Нуруллаев “Оҳангарон” станциясида бўлиб, мавжуд ҳолатни ўргандилар. Ташриф давомида вагонлар паркидан фойдаланиш самардорлиги ва юк ташишдаги янги инновацион лойиҳалар кўздан кечирилди.

Ушбу ўрганишлар натижасида соҳада муҳим янгилликка қўл урилди: илк бор цемент маҳсулотини 1 тонналик “Big Bag” махсус қопларида ташиш йўлга қўйилди.



### Цемент ташишда янги босқич: афзалликлар нимада?

Илгари цемент маҳсулоти асосан махсус цементовоз вагонларда ташилган бўлса, эндиликда бу маҳсулотни ёпиқ ва ярим очик вагонларда ҳам ташиш имконияти яратилди. Бу усул қуйидаги афзалликларни тақдим этади:

- вақт унумдорлиги: юк ортиш ва тушириш жараёнлари аввалгидан анча тезлашди;
- меҳнат унумдорлиги: юклар тўлиқ кран ёрдамида юкпа-нади, бу эса оғир жисмоний меҳнатни ва инсон омилини камайтиради;
- экология ва саломатлик: маҳсулот герметик қадоқлангани сабабли чанг миқдори камаяди, бу эса ишчилар саломатлигини ҳимоя қилади;
- тайёр маҳсулот: мижозга юк қадоқланган ва фойдаланишга тайёр ҳолда етказиб берилади;
- вагонлар танқислигига ечим: мижоз эҳтиёжидан келиб чиқиб, ярим очик вагонларнинг юк ташишга мослаштирилиши вагонлар захирасини кенгайтириш имконини беради.

Стратегик йўналишлар назоратда Жамият мутасаддилари, айниқса, Афғонистон йўналишидаги вагонлар танқислигини бартараф этиш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳар бир мижозга сифатли хизмат кўрсатиш ва юкларнинг хавфсиз етказилишини таъминлаш йўлидаги тизимли ишлар давом эттирилмоқда.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2026 йил 7 апрелда ўтказган видеоселекторда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича белгилаб берган вазифалари ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг 2026 йил 4 мартдаги 124-Н-сонли “Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”-ги буйруғига асосан “1-сон Энергомонтаж поезди” масъулияти чекланган жамиятида апрель ойи – “Амир Темур ойлиги” деб эълон қилинди ва чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган эди.

# “МИСКИН – НУКУС” ТЕМИР ЙЎЛИНИ ЭЛЕКТРЛАШТИРАЁТГАН ИШЧИ-ХОДИМЛАР УЧУН МУСОБАҚА ВА САЁҲАТ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



Шунингдек, “Раҳбар кубоги” учун мини-футбол мусобақаси, тош кўтариш, арқон тортиш ва бошқа миллий спорт уйинлари бўйича ҳам баҳслар бўлиб ўтди.

Шу билан биргаликда 50 нафар илғор ишчи-ходимларга Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт курувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан ҳар бирига 500 минг сўмдан маблағ ажратилиб, тантанали равишда топширилди.

Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистон темир йўллари тизимидаги йирик лойиҳалардан бири бўлган “Мискин – Нукус” темир йўлини электрлаштиришда “1-сон Энергомонтаж поезди” масъулияти чекланган жамиятининг тажрибали мутахассис ва ишчи-ходимларидан иборат 300 нафарга яқин темирйўлчилар чўл бағридан ўтган пўлат изларни сифатли ҳолатда электрлаштириш ишларини фидойилик билан олиб боришмоқда.



“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбарияти томонидан эса ушбу заҳматкаш темирйўлчилар меҳнат қилаётган объектларда ҳар томонлама қўлай шароитлар яратилган. Хусусан, ишчи-ходимларнинг меҳнат муҳофазаси, махсус кийим-бош ва гигиена воситалари, ётоқ жойлари ҳамда озиқ-овқат билан таъминланганлиги доимий назорат қилинмоқда. Энг муҳими, уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари ва спорт билан шуғулланишлари учун ҳам имкониятлар ташкил этиляпти.

Хусусан, Тўрткўл туманидаги кўркем спорт майдонида бўлиб ўтган қизиқарли мусобақалар ва маданий тадбирларда фаол иштирок этган жамоалар ҳамда ишчи-ходимлар “1-сон Энергомонтаж поезди” масъулияти чекланган жамияти раҳбарияти ҳамда Касаба уюшмаси кўмитасининг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар. Шундан сўнг темирйўлчилар учун байрам дастурхони ташкил этилди.

2026 йил 19 апрель куни эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2025 йил 15 майдаги “2025-2026 йилларда сайёҳлар оқимини кескин кўпайтириш ва туристик хизматлар оқламини жадал кенгайтириш орқали туризмнинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 87-сон фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишчи-ходимлар учун Тўрткўл, Урганч ва Хива шаҳарларига саёҳат ташкил этилди. Тарихий обидалар зиёрат қилинди.

ХУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР

**КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИНИ ЮҚОРИ ДАРАЖАГА КЎТАРИШ ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШГА КЎМАК БЕРИШ ЙЎЛИДА**

Ўтган ҳафта Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири ўринбосари Ж.Чориев ва "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бош муҳандиси Ш.Қодиров бошчилигидаги ишчи гуруҳи "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамиятига қарашли корхоналарга ташир буюрди.



"Олмалиқ қуёв механика заводи" МЧЖ, Марказий таъмирлаш механика заводи, Вагон таъмирлаш корхоналари фаолияти билан танишиб, темир йўл корхоналари билан кооперация алоқаларини юқори даражага кўтариш, экспорт салоҳиятини оширишга кўмак бериш, мутахассислар малакасини ошириш учун ўзaro тажриба алмашиш борасида мулоқот олиб бордилар.



Шунингдек, корхоналар маҳсулотларини ички бозорда истеъмолчиларга етказиш масалалари ўрганилиб, транспорт хизматларини кўрсатиш, айниқса, темир йўллардан кенг фойдаланиш, вагонлар етказиб бериш, корхона локомотивлари, юк вагонларини таъмирлаб бериш бўйича фикр алмашиб, ўз тақлифларини бердилар.

Ишчи гуруҳи Тошкент вилоятидаги "Махат-Ширчиқ" акциядорлик жамияти ҳам бўлиб, учрашувлар ўтказди. Корхона фаолияти билан танишиб, маҳсулотларни экспорт қилиш ва маҳаллий истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиб, транспорт хизмати кўрсатишни ташкил этиш, хусусан, темир йўллардан кенг фойдаланиш, вагонлар етказиб бериш, локомотив ва юк вагонларини таъмирлаш масалаларини муҳокама қилди.



**"ОҚ КЎПРИК" СТАНЦИЯСИДА КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ**

Харакат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида "Оқ кўприк" – "Сариоғоч" станциялари оралиги тоқ йўли 3346-километр 2-пикетидан 8-пикетгача ва 2-12-сонли стрелкали ўтказгичлар оралигида капитал таъмирлаш ишлари бажарилди.

Таъмирлаш ишлари 203-сонли Тажриба йўл машина станцияси ва Салар темир йўл масофаси, шунингдек, Сигналлаштириш ва алоқа, Электр таъминоти корхоналарининг тажрибали мутахассислари томонидан амалга оширилди. Бу жараёнда лойқаланишнинг олдини олиш мақсадида пўлат изларнинг остига геотекстиль ётқизилди.

"Тошкент минтақавий темир йўл узели" филиали бошлиғи О.Худойкулов бошчилигидаги ишчи гуруҳи поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, меҳнат муҳофазаси талабларига риоя қилиниши ва иш сифатини, "оқно" вақтида ишларнинг бошланиши ва тугаллиниши назорат қилиб борди.

**"ИСТИҚБОЛЛИ ЁШ МУТАХАССИС" ТАНЛОВИНИНГ ИЛК ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ**

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг 157-Ҳ-сонли ҳамда "Темирийўл-инфраузилма" акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг 298-ҲД-сонли буйруқлари ижросини таъминлаш мақсадида "Юк ва тижорат ишлари" соҳасида фаолият юритаётган ёш мутахассислар ўртасида "Истиқболли ёш мутахассис" танловининг илк ғолиблари аниқланди.



Темирийўлчи ёшларнинг билим ва маҳоратини синовдан ўтказувчи "Истиқболли ёш мутахассис" танловининг якуний босқичида "Юк ва тижорат ишлари" йўналиши бўйича энг кучлилар номи маълум бўлди. Билимлар баҳсига бой ўтган беллашувда куйидаги ёшлар ғолибликни қўлга киритишди:

1-урин – "Бухоро минтақавий темир йўл узели" филиали, "Когон" станцияси катта юк газначиси

Холназарова Зайнаб Шарифовна;  
2-урин – "Қарши минтақавий темир йўл узели" филиали, "Машъал" станцияси катта юк газначиси Курбонов Озод Тўлқин ўғли;  
3-урин – "Тошкент минтақавий темир йўл узели" филиали, "Чукурсой" станцияси катта юк газначиси Аҳмедов Даврон Хусан ўғли.



**"ҚАРШИ МИНТАҚАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛ УЗЕЛИ" ФИЛИАЛИДА БАҲОРГИ КЎРИК ЯКУНИ ЎТҚАЗИЛДИ**

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг тегишли буйруғига асосан "Қарши минтақавий темир йўл узели" филиалига қарашли бўлимлар ва станцияларда ҳаракат хавфсизлиги талаблари ҳамда ташиш технологик жараёнининг бажарилиши юзасидан ўтказилган баҳорги кўрик якунланди.



Кўрик давомида ҳўжаликлар ҳолати, меҳнат муҳофазаси ва интизоми, техник воситаларнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги ҳамда поездлар ҳаракатини ташкил этишда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар атрофлича ўрганилди.

Шунингдек, иншоот ва қурилмаларнинг соҳа ҳолатда сақланиши, иш технологиясининг тўғри бажарилиши ҳамда меҳнат муҳофазасини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар батафсил таҳлил қилинди.



Мазкур кўрик натижалари асосида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.



**PROGRESS RAIL ПОСТАВИЛА ТЕПЛОВОЗЫ SD70ACe T4 ЖЕЛЕЗНОЙ ДОРОГЕ LSRC**



Железная дорога Lake State Railway (LSRC), расположенная в штате Мичиган на севере США, в рамках реализации долгосрочной стратегии модернизации подвижного состава с целью повышения его эффективности и надежности приобрела четыре грузовых тепловоза EMD SD70ACe T4 постройки компании Progress Rail (входит в состав корпорации Caterpillar). По уровню вредных выбросов локомотивы соответствуют нормам уровня 4 (Tier 4) Агентства по защите окружающей среды США (EPA). Их получение позволит LSRC вывести из эксплуатации пять тепловозов со средним возрастом 40 лет. Парк LSRC насчитывает 32 тепловоза нескольких серий, все они построены компанией Progress Rail в разные годы.

Тепловозы SD70ACe T4 отличаются повышенной топливной экономичностью, более низким уровнем затрат на эксплуатацию и обслуживание, улучшенными тяговыми характеристиками и надежностью, комфортабельной кабиной машиниста с эффективной шумоизоляцией. Локомотивы оснащены разработанной Progress Rail цифровой платформой PR Uptime IQ, позволяющей выполнять их техническое обслуживание по фактическому состоянию, что способствует повышению эксплуатационной готовности парка. Progress Rail обеспечит послепродажное обслуживание поставленных тепловозов.

**TALGO ПОСТАВИТ СКОРОСТНЫЕ ПОЕЗДА PUSH PULL В ШВЕЦИИ**



Транспортная администрация Швеции (Trafikverket) заключила с испанской Talgo контракт стоимостью 756 млн евро на поставку 10 локомотивов, а также вагонов для формирования девяти дневных и 11 ночных поездов на основе технологической платформы Talgo 230, включая техническое обслуживание в течение 10 лет с предоставлением запчастей и специализированного инструмента. В контракт включен опцион, допускающий приобретение еще девяти локомотивов, семи составов для дневных поездов и 11 – для ночных. Новые поезда рассчитаны на эксплуатацию со скоростью до 200 км/ч, они будут курсировать в том числе по трансграничному маршруту между Швецией и Норвегией, а в перспективе возможно и в сообщениях со странами Центральной Европы. Они будут адаптированы для работы при температуре окружающей среды до -40 °С. Ранее Talgo поставляла пассажирские вагоны в Россию и Казахстан, где сформированные из них поезда эксплуатировались в столь же суровых условиях.

В недавнем прошлом поезда push-pull на основе платформы Talgo 230 введены в эксплуатацию в Дании, где они обращаются со скоростью до 200 км/ч между Копенгагеном и немецким Гамбургом. Поезда ICE L железных дорог Германии, построенные на той же платформе, обслуживают сообщения между Берлином и Кельном. Подобные поезда заказал также немецкий частный оператор FlixTrain.

**ЖЕЛЕЗНЫЕ ДОРОГИ ГЕРМАНИИ ОПРОБУЮТ ОБЛЕГЧЕННЫЕ КАБЕЛЬНЫЕ ЛОТКИ**



DB InfraGO – оператор инфраструктуры железных дорог Германии (DB) – запустил пилотный проект, в ходе которого на участке длиной около 3 км в регионе Ахена на западе страны опробуют кабельные лотки из полиэтилена высокой плотности (HDPE). Их облегченная конструкция позволяет значительно ускорить укладку лотков – до 200 м за рабочую смену против 60 – 80 м при использовании традиционных железобетонных.

Лотки из HDPE прочнее прежних пластиковых конструкций, имеют большую устойчивость к возгоранию, а их расчетный срок службы составляет более 50 лет. Для укладки таких облегченных лотков не требуются машины на комбинированном ходу.

Допуск к эксплуатации облегченных лотков марки Fujiwara из переработанного полиэтилена высокой плотности был получен в конце 2025 г. Их конструкция с плотно прилегающими крышками дорабатывалась в рамках исследовательского проекта DB, цель которого состояла в поиске технических решений для ускорения работ по прокладке кабелей на железнодорожной инфраструктуре.

По материалам интернета

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОНТЕЙНЕР ТАШУВЛАРИ ҲАЖМИ ВА КОНТЕЙНЕРЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБНИ БАҲОЛАШ**

Мамлакатимизда транспорт-логистика хизматлари бозори ва инфратузилмасини янада ривожлантириш, транзит салоҳиятини ошириш, истиқболли транспорт йўлақларини шакллантириш, экспорт-импорт операциялари қийматида транспорт харажатларини камайитириш ҳамда ташқи бозорларга юкларни етказиб бериш мuddатларини қисқартириш мақсадида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг транспорт-логистика тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 28-сон қарори билан транспорт-логистика тизимини модернизация қилишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг транспорт-логистика тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди.

Мазкур қарорга мувофиқ куйидаги вазифалар белгиланган:

- мултимодаш ташувлар тамоилларини кенг жорий этиш;

- логистика хизматлари бозорини ривожлантириш;  
- 3PL ва ундан юқори даражадаги логистика хизматларини кўрсатувчи миллий операторларни шакллантириш;

- Ўзбекистон резидентларига тегишли вагон ва контейнер паркни кенгайтириш.

Шу сабабли мамлакатда контейнер ташувлари ҳажмини таҳлил қилиш ҳамда контейнерларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда 2025 йилда темир йўл транспорти орқали импорт, экспорт ва транзит йўналишларида ташилган контейнерлар ҳажми 382 минг TEUни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2024 йилга нисбатан 62 минг TEUга кўп бўлиб, контейнер ташувлари ҳажми сезиларли даражада ошганини кўрсатади. Мазкур ташувларнинг 83 фоизи – 20 ва 40 футли стандарт ҳамда High Cube контейнерлари, 17 фоизи – металл ташушга мўлжалланган махсус контейнерлар ҳисобига тўғри келади.

Стандарт ва High Cube контейнерларида ташилган юкларнинг асосий йўналишлари бўйича йиллик ҳажмлар 1-жадвалда келтирилган.

Хитой – Ўзбекистон йўналишида битта контейнернинг ташуш цикли ўртача 1,5 ойни ташкил этади. Шунга қўра йил давомида битта контейнерни ўртача 8 маротаба ишлатиш мумкин. Бошқа йўналишларда эса маршрут узунлиги, божхона операциялари ҳамда логистика жараёнларида юзга келадиган турли омиллар туфайли

**Асосий йўналишлар бўйича контейнер ташувлари 1-жадвал**

№	Йўналишлар	Йиллик ташув ҳажми (TEU)	Йиллик айланма	40НС контейнер учун талаб (дона)
1	Хитой – Ўзбекистон	184 000	8	11 500
2	Ўзбекистон – Хитой	35 180	8	2 198
3	Ўзбекистон – Қозоғистон	18 500	6	1 541
4	Хитой – Тожикистон	17 700	4	2 212
5	Хитой – Афғонистон	5 500	3	916
6	Ўзбекистон – Грузия	2 600	3	433
7	Бошқалар	38 000	5	3 800
	<b>ЖАМИ</b>			<b>22 600</b>

контейнерларнинг йиллик айланмаси нисбатан пастроқ бўлади.

Контейнерларга бўлган талаб куйидаги формула орқали аниқланади:

$N_i = Q/k$ ;  
бунда Q – йўналиш бўйича йиллик ташув ҳажми, k – битта контейнернинг йиллик айланмаси,  $N_i$  – зарур контейнерлар сони.

Дастлаб йиллик ташув ҳажми TEUдан 40НС контейнерга ўтказилади. Маълумки, 1 та 40НС контейнер = 2 TEU

Шундан келиб чиқиб ҳисоб-китоблар куйидагича амалга оширилади:  
 $N_1 = 184\,000 / (2 \times 8) = 11\,500$   
 $N_2 = 35\,180 / (2 \times 8) = 2\,198$   
 $N_3 = 18\,500 / (2 \times 6) = 1\,541$   
 $N_4 = 17\,700 / (2 \times 4) = 2\,212$   
 $N_5 = 5\,500 / (2 \times 3) = 916$   
 $N_6 = 2\,600 / (2 \times 3) = 433$

$N_7 = 38\,000 / (2 \times 5) = 3\,800$   
Натижада контейнерларга бўлган умумий талаб:

$N = 22\,600$  дона 40НС контейнер.  
Ўтказилган ҳисоб-китобларга қўра, Ўзбекистон Республикасининг импорт, экспорт ва транзит контейнер ташувларини барқарор таъминлаш учун камида 22 600 дона 40НС контейнер зарур.

Мазкур кўрсаткичлар контейнер паркни кенгайтириш бўйича стратегик қарорлар қабул қилишда, шунингдек, миллий логистика операторларининг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

**Зоир МИРЗАЕВ,**  
"Ўзтемирийўлконтейнер" АЖ  
Маркетинг ва логистика  
бошқармаси бошлиғи

СИЗ КУТГАН СУХБАТ



**БОТИРХОН ИМОМХЎЖАЕВ – 1978 йил 13 мартда Тошкент шаҳрида туғилган. 2004 йилда Тошкент давлат санъат институтининг драма ва кино актёрлиги факультетини تامомлаган. Ижодий йўлини “SEZAM” радиоси (FM 105.4)да бошлаган.**



**БОТИРХОН ИМОМХЎЖАЕВ: “БОЛАЛИГИМ ВОКЗАЛ АТРОФИДА ЎТГАН”**



Бундай пайтда фақат сабр керак. Менимча, синовлар инсонни кучли бўлишга ўргатади. Қийинчиликдан кейин албатта ёруғ кунлар келишига умид қилиб яшаш керак. Нима бўлган тақдирда ҳам, эртанги кунга ишонч билан қараш лозим.

**– Ўз вақтида жуда машҳур бўлган “Тошойна” кўрсатувининг тўхтатилишига нима сабаб бўлган эди?**

– Бир неча йил олдин “NTT” телеканалда “Тошойна” кўрсатувини тақдим этардик. Санъаткорларнинг уйига бориб, улардаги эски, қадрили экспонатлар орқали суҳбат қурадик. Бу лойиҳа мухлисларга жуда манзур бўлган. Икки йил давомида деярли 80-90 фоиз машҳур санъаткорларимизнинг хонадонидан меҳмон бўлдик. Кўрсатув ўз юқори нуқтасига чиққанда уни тўхтатишга қарор қилдик. Ҳалигача одамлар шу кўрсатувни эслаб, соғинч билан гапиришади. Бу одамнинг кўнглини кўтаради.

**– Ота-она ва устозларингиздан олган энг муҳим сабоқларингиз нималардан иборат?**

– Улардан ўрганганларим жуда кўп. Аввало, одамларни ҳурмат қилишни, меҳнатсеварликни ва Ватанга садоқат билан хизмат қилишни ўрганди. Ҳозирда санъатдан ташқари, Мудофаа вазирлиги тизимидаги ташкилотда ҳам бошловчи сифатида хизмат қиляпман. Инсон шахс сифатида шаклланиши учун аввало юртини, ота-онаси-

ни севиши керак. Барибир инсон ҳар доим яхши ният қилиши лозим. Ният ҳолис ва ҳаракатинг тинимсиз бўлса, албатта натижага эришасиз. Вилоятларга борганимда одамларнинг мени ҳурмат қилиб, яхши кўриши – ота-онам ва устозларимнинг дуоси ижобати демак.

**– Ўзбекистон темир йўллари ҳақидаги фикрларингиз ва илк бор поездга чиққанингиз ёдингиздами?**

– Болалигим вокзал атрофида ўтган, шунинг учун темир йўл ва поездлар мен учун жуда қадри. Болалиқда темир йўл музейларига борардик, вокзал яқинидаги бассейнларда чўмилирдик. Поездларни жуда яхши кўраман. Ҳозирда ҳам деярли ҳар ҳафта иш юзасидан “Афросиёб” ёки “Шарқ” поездларида воҳ ва водий бўйлаб сафар қиламан. Темирйўлчиларимизнинг хушмуомалалиги, хизмат кўрсатиш маданияти таҳсинга лойиқ. Поездларнинг манзилга доим ўз вақтида етиб бориши ҳам қувонарли. Кўплаб дўстларим темирйўлчи.

“Темирйўлчи” газетаси ижодкорларига, хусусан, дўстим Авазбекка тақлиф учун раҳмат айтаман. Барча темирйўлчиларни омад ва соғлиқ тарк этмасин. Юртимизда доим байрамлар, тўйлар бўлаверсин, биз санъаткорлар эса сизларнинг хизматидаги бўлайлик! Ҳаммангизни яхши кўраман!

Аваз ОМОНОВ суҳбатлашди

Актёр сифатида “Хавфли бурилиш”, “Ташландиқ”, “18-квартал”, “Хотира рашки”, “Қутқаринг, қарияпман”, “Эсимда бори” каби фильм ва сериалларда роль ижро этган. Шунингдек, у моҳир бошловчи сифатида “Тошойна”, “Ғап”, “Юдузлардан совға”, “Азия Лотто”, “Омад шоу” каби лойиҳаларда танилган. Бир муддат “Мирзо” театрида ҳам фаолият юритган. Ҳозирда “ZO’R TV” телеканалда эфирга узатилаётган “Ухламайсизми?” кўрсатувини орқали мухлисларини хушуд этиб келмоқда. Оилали, уч нафар фарзанднинг отаси. Қуйида у билан бўлган суҳбатимизни эътиборингизга ҳавола этамиз.

**– Мактаб даврларингизни қандай хотирлайсиз? Ўқувчилик йилларингиз қанақа ўтган?**

– Мактабда жуда шўх ва тўполончи бўлганман. Тўғри, ўқитувчиларимизни бироз қийнаган вазиятларим бўлган, лекин доим яхши баҳоларга ўқиганман. Мен Миробод туманидаги Абдулла Авлоний номидаги собиқ 40-сонли (ҳозирги 328-мактаб) темирйўлчилар мактабиде таҳсил олганман. Ўзим темирйўлчи бўлишни ният қилмаган бўлсам-да, қадрдон дўстларимнинг деярли барчаси ҳозирда темир йўл соҳасида фаолият юритади.

**– Илк бор катта саҳнага чиққанингиз ёдингиздами?**

– Ҳаммаси мактаб давридан бошланган. Ўша пайтлари турли тўғараклар бўларди. Саҳна кўришларида ўзим бош-қош бўлиб, етакчилик қилардим. Қизиқарли чиқишларимиз билан ҳаммани



БУ ҚИЗИҚ

кулдирардик. Атрофдагилар “Келажакда албатта артист бўласан”, дейишарди. Мана, ўша орзулар ҳақиқатга айланди.

**– Бугунги қизиқчилик санъатида рақобат қай даражада?**

– Ҳозир рақобат жуда кучли. Ҳар бир ижодкорнинг ўз йўналиши ва ўз мухлиси бор. Кимдир яққохон, кимдир жамоавий тарзда ижод қиляпти. Биз “Мирзо” театрида устозларимиздан кўп нарсани ўргандик, улардан миннатдоримиз. Ҳозирда концерт дастурларида

яққохон чиқишлар қилиб, одамларнинг кайфиятини кўтаришга ҳаракат қиляпмиз. Тўғри, бугунги кунда янги ва долзарб мавзу топши бироз қийинлашган, лекин кўлдан келганча изланишда давом этяпмиз.

**– Инсон ёши улгайгани сари қарашлари ўзгаришига қандай қарайсиз?**

– Инсон дунёқараши вақт ўтиши билан албатта ўзгаради. Айниқса, 40 ёшдан ошгандан кейин кеча ким эдингиз-у, эртага нима ишлар қилишингиз

кераклиги ҳақида кўпроқ ўйлай бошларкансиз. Инсондан фақат яхши ном қолиши керак. Ота-онамнинг дуосини олиш ва халқ учун сидқидилдан хизмат қилиш – асосий мақсадим. Кўча-кўйда одамлар сизни кўрганда кайфияти кўтарилса, демак, меҳнатингиз бекор кетмабди. Шу мухлисларимизнинг бориға шўқ.

**– Ҳаёт синовлари инсонни синдирадими ёки кучли қиладими?**

– Ҳар бир инсон ҳаётида турли кунлар, синовлар бўлади.

**ХИТОЙ ҲАҚИДА ҚИЗИҚАРЛИ МАЪЛУМОТЛАР**

Кимлардир учун Хитой – бу минг йиллик қизиқ тарихга эга экзотик мамлакат бўлса, яна кимлардир учун – у ҳаддан ташқари кўп аҳолиси билан дунёни тўлдириб юбориши мумкин бўлган чумоли уясидир. Хитой 1,4 миллиарддан ортиқ аҳолига эга бўлган ноёб цивилизация бўлиб, қадимий аъёнларни илгор технологиялар билан уйғунлаштиради. Мамлакат дунёдаги энг катта армияга эга ва жаҳондаги барча пандалар Хитойга тегишли. Хитой тилида 50 мингдан ортиқ иероглифлар мавжуд, аммо асосий саводхонлик учун 5 минтасини биллиш кифоя.

Ушбу мақолада Хитой ҳақида айрим қизиқарли маълумотларни келтираемиз.

**Хитойда Янги йил 15 кун давомида нишонланади**

Аввалам бор, шуни айтиб ўтиш керакки, Хитой ва Европа мамлакатларидаги Янги йил бошқа-бошқа саналарда нишонланади. Хитойликлар ҳисоби бўйича Янги йилнинг дастлабки кун 21 январь билан 20 февраль оралиғидаги ой тўлган кунга тўғри келади. Шунинг учун бу кун йилдан-йилга ўзгариб кетаверади. Хитойда бундай Янги йил 15 кун давомида нишонланади.



**Футбол Хитойда пайдо бўлган**

2200 йил аввал Хитойда оёқда ўйналадиган тўп ўйини пайдо бўлган ва у кейинчалик Европада етиб бориб, футбол, дея номланган. Илк футбол тўпи теридан тайёрланган бўлиб, ичи қушларнинг патлари ҳамда от сочлари билан тўлдирилган.

**Хитойдаги темир йўл шунчалик узунки, ерни икки мартаба айланиб чиқиши мумкин**

Хитой эгалланган майдон бўйича дунёда учинчи ўринда туради, темир йўллари ҳам бутун мамлакатни қамраб олган. Аслида Хитой темир йўллари шунчалик узунки, у билан ер атрофини икки мартаба айланиб чиқиш мумкин бўлади.

**Ҳар беш кунда Хитойда осмонўпар бинолар барпо қилинади**

Ҳеч бир мамлакат Хитойчалик жадаллик билан ўсмайди. Хитойда бир йилда 73 та осмонўпар бинолар қад кўтаради, бу ҳар беш кунда битта баланд иморат қурилади дегани.

ТИББИЁТ ИСЛОҲОТИ

**ТИББИЙ КЕНГАШ: СИФАТ, НАЗОРАТ ВА РИВОЖЛАНИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ**

“Темир йўл ижтимоий хизматлар” масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган навбатдаги тиббий кенгаш йиғилишида тизимдаги тиббиёт муассасалари фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган муҳим масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Йиғилиш давомида “Самарқанд” ва “Бухоро” темир йўл шифохоналари фаолияти мисолида қатор йўналишлар кесимида таҳлиллар олиб борилди. Жумладан, 0342-17-сонли “Шифохона ички инфекциялари профилактикаси” бўйича санитария қоида ва меъёрлари талабларига риоя этилиши ҳолати кўриб чиқилиб, айрим муассасаларда назорат сустиги ва профилактик тадбирларни кучайтириш зарурлиги қайд этилди. Шу билан бирга, локомотив бригадаларининг рейс олди тиббий куриклари сифати таҳлил қилиниб, ишга лаёқатсиз ходимларни ўз вақтида аниқлаш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда тиббий



хизматнинг масъулияти юқори экани таъкидланди.

Шунингдек, “Самарқанд” ва “Бухоро” темир йўл шифохоналарида жарроҳлик хизмати ҳолати чуқур таҳлил қилиниб, мавжуд моддий-техник база, мутахассислар салоҳияти ва амалиёт натижалари баҳоланди. Таҳлиллар асосида жарроҳлик хизматини янада ривожлантириш, замонавий даволаш усуллари кенг жорий этиш ҳамда мураккаб операциялар улушини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Бундан ташқари, “Малакасини ошириш ўқув маркази” тингловчиларининг билим даражасини баҳолаш бўйича Низом муҳокама қилиниб, уни амалиётга жорий этиш орқали кадрлар салоҳиятини тизимли равишда оширишга келишиб олинди.

Йиғилишда “Самарқанд” ва “Бухоро” темир йўл шифохоналарининг жорий фаолияти ва келгусидаги ривожланиш режалари ҳам кўриб чиқилди. “Урганч” темир йўл шифохонаси шифокорларининг Жанубий Кореяда ма-

лака ошириб қайтач, эгаллаган илгор тажрибалари асосида янги даволаш усуллари амалиётга босқичма-босқич жорий этиш, диагностика ва даволаш самардорлигини ошириш бўйича аниқ чоралар белгиланди.

Йиғилиш якунида барча кўриб чиқилган масалалар юзасидан амалий натижаларга эришишга қаратилган қарорлар қабул қилинди. Хусусан, инфекция назоратни кучайтириш, тиббий куриклари сифатини ошириш, жарроҳлик хизматини модернизация қилиш ҳамда кадрлар малакасини тизимли равишда ривожлантириш бўйича аниқ “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш топширилди.

“Темир йўл ижтимоий хизматлар” масъулияти чекланган жамияти раҳбари М.Мамасидиков томонидан масъулларга қатъий муддатлар белгилаб берилиб, ижро интизомини кучайтириш ва ҳар бир йўналиш бўйича аниқ натижаларга эришиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.



**МУАССИСЛАР:**

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши

**Тахрир кенгаши:**

Раматов А.Ж. Нарзуллаев З.Ф. Сабиров Қ.С. Юсупов Ж.З. Балтабаев А.А.

**Бош муҳаррир**  
Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусаҳҳиҳ – Умида ТҮЙЧИБОЕВА  
Саҳифаловчи – Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомухбир – Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй.  
Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)  
Қабулхона: (71) 236-48-92  
Мухбирлар: (71) 236-48-71

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0139-рақам билан 2007 йил 11 январда рўйхатга олинган.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди  
ISSN: 2181-6158

Буюртма Г-434 Босишга топширилди: 19:30 1 2 3 4 5 6